



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 191 (13.524)

Баҳоси эркин нарҳда

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Президент Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 2017 йил 17 сентябрь кун Туркменистонда бўлди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан Туркменистон Президентини Гурбангули Бердимухамедовнинг учрашуви бўлиб ўтди. Самимий руҳда ўтган мулоқотда сўнгги пайтларда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар барча соҳада жадал ривожланаётгани қайд этилди. Бунда икки давлат раҳбарлари ўртасида қарор топган яқин дўстлик, ишонч ва самимий муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентларнинг очкилик ва ишонч руҳида ўтган суҳбатда ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинар экан, мамлакатларимиз манфаатлари муштараклиги, икки томонда ҳам кўп қиррали муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш учун хоҳиш ва ирода мавжудлиги, давлатларимиз бунинг учун улкан салоҳият ва имкониятларга эга экани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари мусобақада иштирок этаётган Ўзбекистон делегациясига қўрсатилган юксак эҳтиром учун миннатдорлик билдирди.

Туркменистон Президенти Ўзбекистонлик спортчиларнинг жаҳон ареналарида эришаётган ютуқларини қайд этар экан, бунга Ўзбекистон раҳбарияти томонидан яратилган ша-

роитлар мустаҳкам замин бўлаётганини таъкидлади.

Шу кун давлатимиз раҳбари Ашхобод шаҳрида ўтказилаётган Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осие ўйинларининг очилиш маросимида иштирок этди.

Ушбу нуфузли халқаро спорт анжумани юксак савияда ўтказиш учун Туркменистон пойтахтида пухта тайёргарлик кўрилган. Олимпия шаҳарчасида иштирокчи давлатлар делегациялари, мураббий ва спортчиларнинг яшashi, мусобақага тайёрланиши, машғулотлар ўтказиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун барча шароит яратилган.

Давлатимиз раҳбари Ашхобод Олимпия стадионига ташриф буюрди. 45 минг томошабинга мўлжалланган муҳташам иншоотга кўплаб мамлакатлардан келган давлат ва ҳукумат раҳбарлари, Осие олимпия кенгаши раҳбарияти, фахрий меҳмонлар, минглаб спорт ишқибозлари жам бўлган.

Ашхобод Олимпия стадионида Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осие ўйинларининг тантанали очилиш маросими бошланди.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Осие ўйинла-

ри иштирокчиларига омад тилаб, мусобақани расман очиб, деб эълон қилди.

Осие олимпия кенгаши президенти Шайх Аҳмад ал-Фаҳад ас-Сабоҳ барчани ушбу спорт байрами билан қутлади.

Туркман халқининг миллий қадрият ва аънавлари акс этган театрлаштирилган бадий дастур намойиш этилди.

Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осие ўйинларида 60 дан ортик мамлакатдан спортчилар катнашмоқда. Аънамага мувофиқ, стадионга иштирокчи давлатлар спорт делегациялари кириб келди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини баланд тутган спортчимиз – оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионати кумуш медали соҳиби Улугбек Алимов ва Ўзбекистон делегациясини мухлислар олқишлар билан қутиб олди.

Делегациямиз таркибиде 189 спортчи – жаҳон ва қитъа чемпионатлари, турли нуфузли мусобақаларда юқори натижаларга эришган тажрибали спортчиларимиз билан бирга, ёш иқтидор эгалари спортнинг 20 тури бўйича Ватанимиз шарафини ҳимоя қилмоқда.

Мамлакатимиз бу каби йирик халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этишга қодир спортчиларни тайёрлаш борасида бой тажриба тўплаган. Жумладан, Биринчи Президентимиз томонидан асос солинган ва мунтазам ўтказиб келинаётган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт ўйинлари ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар этиб тарбиялаш баробарида, улар орасидан халқаро майдонларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир истеъдодларни саралаб олишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Спортчиларимизнинг Ашхободда ўтказилаётган нуфузли мусобақага муносиб тайёргарлик кўришида давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 9 мартдаги Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII Ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлашга оид қарори муҳим омил бўлди.

Тантанали маросим якунида Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осие ўйинлари машъаласи ёқилди.

Абу Бакир ЎРОЗОВ,
ЎЗА махсус мухбири
Тошкент – Ашхобод – Тошкент

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИГА КЕЛДИ

Нью-Йорк, 18 сентябрь.
ЎЗА махсус мухбири Анвар САМАДОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 18 сентябрь кун БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида иштирок этиш учун Нью-Йорк шаҳрига келди.

Давлатимиз раҳбарини Жон Кеннеди номидаги халқаро аэропортда Америка – Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм кутиб олди.

Шавкат Мирзиёев 19 сентябрь кун БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси умумий музокаралирида нутқ сўзлайди.

Президентимиз ташриф доирасида БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш, Халқаро валюта фонди тақсимиловчи директори Кристин Лагард, Жаҳон банки гуруҳи президенти Жим Ён Ким ҳамда БМТ Бош Ассамблеяси ташриф буюрган бошқа давлатлар раҳбарлари билан учрашиб, музокаралар ўтказиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, кенг доирадаги Ўзбекистон – Америка бизнес-форумида иштирок этади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 сентябрь кун Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари мулоқот аввалида Қирғизистон Президентини тугилган кун билан самимий муборакбод этди. Қирғизистон Президентининг қардош халқларимиз ўртасидаги аънавановий яқин ва яхши қўшнчилик алоқаларини ривожлантириш ва мустақамлаш, Ўзбекистон – Қирғизистон ўзаро манфаатли ҳамкорлигини кенгайтиришда тугган ўрни ва фаол саяё-ҳаракатлари қўқор мамнуният билан алоҳида қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 5-6 сентябрь кунлари Қирғизистонга амалга оширган тарихий давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаргани, ўзаро ҳамкорлиқни аниқ амалий мазмун билан бойитишга хизмат қилгани таъкидланди.

Турли даражалардаги алоқалар фаоллашгани қайд этилди. Ўзбекистон ва Қирғизистон бош вазирлари раислигида Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолият кўрсатмоқда, давлат чегарасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ишларини якунлаш бўйича фаол музокара-лар олиб боришмоқда.

Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи чоғида Ўзбекистон – Қирғизистон давлат чегараси тўғрисида шартнома имзолангани ҳамкорликдаги ишларнинг энг муҳим натижаси бўлди.

Ўзаро савдо ҳажми ортиб бормоқда, йил бошидан буюн товар айирбошлаш 60 фоизга ўсди. Автомобилсозлик, қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ҳамкорлик бўйича истиқболли лойиҳалар иш-лаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон ва Қирғизистон парламентлари, ҳудудлари ва ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш, икки давлат ҳукуматлари раҳбарлари ша-фелигида фаолият юритадиган Чегарасолди вилоятлар хоким-лари кенгашининг амалий-фаолиятини ташкил этишни тез-лаштириш ҳамда маданий-гулманитар соҳада янги дастур-ларни амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбоевнинг мамла-катимизга давлат ташрифига тайёргарлик кўриш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Мулоқот сўнгида Ўзбекистон Президенти Қирғизистон Президентини яна бир бор самимий табриклаб, унга мус-таҳкам соғлиқ ва муваффақият, қардош қирғиз халқига тиш-лик, осийишталик ва фаровонлик тилади.

ЎЗА

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказида "Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ривожлантиришнинг халқаро тажрибаси ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича маркетинг стратегияси" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақо-батни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Ўзбекис-тон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, USAIDнинг мамлакатимиздаги ва-колатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вазир-лик ва идоралар масъул ходимлари, халқаро экспертлар, эркин иқтисодий ва саноат зоналари раҳбарлари, кичик ва ўрта бизнес вакиллари иштирок этди.

Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Л.Қудратов, АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги – USAIDнинг Марказий Осие бўйича минтақавий савдо масалаларида катта маслаҳатчиси Р.Рожерс ва бош-қалар мамлакатимизда ташкил этилаётган эркин иқтисодий зоналар ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, ресурс салоҳияти-дан самарали фойдаланиш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишда муҳим аҳамият касб этаётгани қайд этди. Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини тар-тибга солидиган мустаҳкам база яратилгани, кенг қўламли солиқ ва боғжона имтиёзлари ҳамда преференциялар ти-зимини шакллантиришда ўзига хос ёндашувнинг мавжудли-ги эътироф этилди.

Айни пайтда мамлакатимизнинг 10 минтақасида 14 эркин иқтисодий зона фаолият юритмоқда. Ҳар бир вилоятда кич-кик бизнес субъектларининг фаолият юритишини рағбат-лантиришга хизмат қиладиган кичик саноат зоналари таш-кил этилган. Бу, ўз навбатида, юқори талаб ва тез ўзгариш-чан бозор механизми шароитида истеъмолчиларга зарур товар ва хизматларни ўз вақтида ишлаб чиқариш ва етказиб беришда қатор афзалликларга эга.

Тадбирда экспертлар Ўзбекистонда эркин иқтисодий зо-наларни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг мустаҳкам асо-си, бу борада қўлга киритилган халқаро тажриба ва ютуқ-лар ҳақидаги маърузалари билан иштирок этди.

Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналарнинг таш-кил этилиши иқтисодиётни либераллаштириш йўлидаги му-ҳим қадамдир, – деди USAIDнинг саноат ва махсус савдо зоналарини ривожлантириш соҳасидаги етакчи эксперти Хосе Керон. – Зеро, мазкур фаолият самарасида иқтисоди-ётда истиқболли лойиҳа тақлифларини шакллантириш, си-фатли инвестиция лойиҳалари портфелини яратиш, экспорт-боп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва юқори техноло-гияли корхоналар ташкил этиш мумкин. Шу маънода юр-тингизда бу борада олиб борилаётган ислохотлар ва қўлга киритилаётган амалий натижалар эътиборга молик.

Семинарда халқаро экспертлар томонидан эркин иқтисо-дий зоналар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан тавсиялар берилди, шунингдек, хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича маркетинг стратегиялари ишлаб чиқил-ди.

Тадбир сўнгида иштирокчилар ва журналистлар ўзлари-ни қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Улугбек ШОНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ўзбек Миллий академик драма театрида болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш ташкилотчиларининг Тошкент шаҳар анжумани бўлиб ўтди.



ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ – ҚУДРАТЛИ БЎЛУР

Жорий йилги мактаб ўқувчиларини ёзги дам олди-риш ва соғломлаштириш мавсумини уюшқоқлик билан ташкил этишда жонбозлик кўрсатган корхона, ташки-лотлар ҳамда оромгоҳларда фаолият юритган энг фаол ва ташаббускор ходимларни рағбатлантириш мақса-дида ташкил этилган мазкур анжуманга мавсумда фаол қатнашган вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотла-ри, оромгоҳларнинг мутасаддилари тақлиф этилди.

Юртимизда болаларни ҳар жиҳатдан соғлом ва бар-камол этиб вояга етказиш, таълимдан ташқари бўш вақтини тўғри ва унумли ташкил этиш масаласига ало-ҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда болаларни ёзги таътил даврида соғломлаштириш, кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариши учун зарур барча шароит ва имкони-ятлар яратилмоқда.

Бу йил ҳам болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича Республика мувофиқ-лаштирувчи гуруҳи томонидан тизимли ишлар бажарилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

– Бу йилги мавсумга пухта ҳозирлик қўрилган эди, – дейди Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилот-лари бирлашмаси Кенгашининг бўлим мудири Ирода Ҳикматова. – Жорий йилнинг ёз мавсуми давомида 25 та стационар оромгоҳларда 28 мингдан зиёд болалар, 66 та мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳларда 30 мингга яқин болалар дам олдилар.

(Давоми 2-бетда)



• Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллиги муносабати билан "Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!" шиори остида ташкил этилган "Ёшлар поезди" Нукус шаҳрига келди. Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳар ва қиш-лоқларида, олис овулларида уч кун давом этадиган тарғибот тад-бирларида ёш олимлар, шоир-ёзувчилар, кино ва театр актёр-

лари, танкили спортчилар, тад-биркорлар, эстрада хонандалари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фа-оллари ёшлар билан учрашиб, му-лоқотда бўлади.

• Маргилонда "Атлас байрами" учинчи фестивалининг тантана-ли очилиш маросими катта шо-диёнага айланди. Фестиваль доирасида ёш хунармандлар учун танкили усталар иштироки-да атлас ва адрас матолари бе-зағи бўйича маҳорат сабоқлари, "Ўзбекистон аънавановий гиламчи-лик санъати", "Марказий Осие матолари" Ўзбекистон хунар-мандчилиқ кўргазмалари ташкил этилди. Ўзбекистон модельерла-ри шоу-дефилеси, концертлар, кураш мусобақаси, аскиячилар ва дорбозларнинг чиқишлари, "Девзира" ош танлови ҳам ўтказилди.

• Навоийда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбе-кистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Фермерла-ри кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган "Ёш фермер – 2017" кўрик-танловининг вилоят босқи-чи бўлиб ўтди. Унда ёш фермер-лар 2 шарт бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.



• Грециядаги Эгей денгизининг Пирей порти яқинида 2 минг тон-на мазут ёқилгиси ортилган ке-манинг ҳалокатга учраб қўқиб ке-тиши натижасида атроф-муҳитга катта зарар етди. Жумладан, сув юзини қоплаган мазут қирғоқда-ги чўмилиш хавзаларигача етиб борди. Шунингдек, денгиздаги

турфа хил балиқларнинг кўпчили-гининг қирилиш кетиш хавфи мав-жуд. Мутахассисларнинг ҳисоб-ки-тобларига қараганда, ушбу ходи-са натижасида етказилган зарар 500 миллион еврони ташкил эт-моқда.

• Буюк Британия парламенти қуйи палатаси мамлакатда Евро-па Иттифоқи қонунларини бекор қилиш ҳақидаги ҳужжат лойиҳа-сини қабул қилиш учун овоз бер-ди. Оппозицион лейбористлар партияси қонун қабул қилинишига қарши чиқди, бироқ парламент-нинг қуйи палатаси вакиллари ус-тунликка эришди. Ушбу қонун лойиҳасини ёқлаб 326 нафар де-путат овоз берган бўлса, 290 на-фари мазкур қарорга қарши чиқ-қан. Бу мамлакатда барча қонун ҳужжатларини яна бир бор қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини 2017 йилда амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида эришилган натижаларни чуқур ўрганиш ва пухта таҳлил қилиш мақсадида фуқаролар ўртасида жамоатчилик фикри сўрови ўтказилмоқда. Шу билан бирга 2018 йил Давлат дастури лойиҳасига аҳолидан таклифлар ва лойиҳалар олинмоқда.



ДАВЛАТ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИГА ТАКЛИФЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

"Тараққиёт стратегияси" маркази жамоатчилик билан алоқалар менежери Акбар Эргашевнинг таъкидлашича, сўровнома аҳолининг кенг қатламлари, жумладан, ёшлар, давлат хизматчилари, тадбиркорлар, пенсионерлар ўртасида тарқатилмоқда. Сўровномани www.strategy.uz электрон манзилидаги алоҳида саҳифа, шунингдек, мобил телефони орқали ҳам тўлдириш мумкин. Ижтимоий сўровнома Президентимизнинг 2017 йил 15 августдаги

"2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойишида белгиланган вазифалар асосида "Тараққиёт стратегияси" маркази томонидан ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ жорий йилда мамлакатимизни ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш ҳамда 2018 йил Давлат

дастури лойиҳасига киритиш учун фуқаролардан таклифларни тўплаш режалаштирилган.

Фуқаролар сўровномада иштирок этиш орқали Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналиши бўйича амалга оширилган ислохотлар ва жамиятимизда рўй берган ўзгаришларга баҳо беради. Респондентлардан, хусусан, ижтимоий соҳада амалга оширилаётган энг муҳим тадбирлар, давлат бошқаруви органларининг

халқ билан мулоқот қилишида, фуқароларга бўлган муносабатидаги ўзгаришлар ҳақидаги фикрлари сўралади.

Жамоатчилик фикри сўрови шу йилнинг октябр ойига қадар барча ҳудудлардаги олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган Ҳаракатлар стратегияси хоналари, маҳалла фуқаролик йиғинлари, корхона ва ташкилотларда ўтказилади.

Барча маълумотлар умумлаштирилиб, Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича Миллий комиссияга тақдим этилади.

Давлатимиз раҳбарининг фармойишига мувофиқ, 2018 йил Давлат дастури лойиҳасига киритиладиган таклифлар кенг жамоатчилик иштирокида дастлабки муҳокамадан ўтгандан сўнг кўриб чиқиши белгиланган.

Б.БОЗОРОВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Янги қарорларнинг аҳамиятига бағишланди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида ўтган ҳафтада Президентимиз томонидан қабул қилинган қатор қарорларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди.

Президентимизнинг 2017 йил 9 сентябрдаги "Мақтабга таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори мазкур соҳада янги вазифаларни белгилаб берди. Қарор асосида мактабга таълим бўйича янги тизим шаклланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 сентябрдаги "Аҳолининг кам таъминланган қатлами кўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг амалга оширилиши қатор ижтимоий масалалар, хусусан, бандликни таъминлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий кўмак бериш, боқувчисини йўқотган оилаларни кўллаб-қувватлаш янада қучайтиради.

Мазкур қарор ижроси бўйича алоҳида иш режа ишлаб чиқиш, унинг бажарилиши устидан самарали депутатлик назоратини ўрнатишга келишиб олинди.

Йиғилишда, шунингдек, Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги ҳамда 15 сентябрдаги "Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорларини тарғиб-ташвиқ этиш бўйича ҳам фикр алмашилди.

Н.НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ – ҚУДРАТЛИ БЎЛУР

(Давоми. Боши 1-бетда)


Пойтахт меҳнаткашлари фарзандлари билан бир қаторда, Қорақалпоғистон Республикасидан режадаги 1790 нафар болалар ва режадан ташқари яна 500 дан зиёд қорақалпоқ меҳнаткашларининг фарзандлари соғломлаштирилди. Шу билан бирга, оромгоҳларда ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда кам таъминланган ва серфарзанд оилалар фарзандлари, "Ногиронлар жамияти" ишчиларининг фарзандлари, Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчилари имтиёзли дам олдирилди.

Оромгоҳларда "Мустақиллик менинг тақдиримда" расмлар, "Иқтидорли ёшлар" кўрик-танловлари, "Қувноқлар ва зукколар" спорт, "Энг яхши гуруҳ" интеллектуал ўйин мусобақалари, "Ёш қаламкашлар", "Келажақ овози" мавзуларида тадбирлар уюштирилди. Кенг қамровли маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари, кизикли учрашувлар, баҳс-мунозаралар ўтказилди. Саёҳатлар, қўшиқ ва рақс фестиваллари, спартакиада мусобақалари ташкил этилди.

Барча оромгоҳларда Мустақиллигимизнинг 26 йиллиги муносабати билан "Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!" шиори остида маданий-маърифий тадбирлар, "Мустақиллик менинг тақдиримда" мавзусида адабиёт ва санъат намояналари, танikli спортчилар билан учрашувлар, "Соғлом бола – юрт келажаги" шиори остида турли спорт мусобақалари ҳамда болалар ўртасида мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар ҳамда қўлга киритилган натижалар акс этган "Бу менинг Ватаним!" мавзусидаги расмлар танловлари ўтказилди.

Тадбирда "Энг намунали оромгоҳ", "Энг яхши оромгоҳ бошлиғи", "Энг ғамхўр тарбиячи", "Энг фаол етакчи", "Энг яхши спорт мураббийси", "Энг яхши тиббиёт ходими", "Энг яхши пазанда", "Энг фаол ички ишлар ходими", "Энг яхши ҳамкор" каби ва бошқа номинациялар бўйича ғолибларга Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш ва ҳамкор ташкилотлар томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА



БИЗНЕС ОМБУДСМАН – ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЧИСИ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашининг олдини олиш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 5 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида"ги Фармони тадбиркорлик соҳасида давлат сиёсати сифати жиҳатидан янги даражага кўтарилганининг далили бўлди.

Мазкур фармонга асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти – бизнес омбудсман таъсис этилди. Жорий йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги "Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида"ги қонунда Вакил фаолиятининг ҳуқуқий механизмлари белгилаб берилди. Эътиборли жиҳати, мазкур институт мансабдор шахсларга тобе бўлмаган ҳолда фаолият юритади. Бизнес омбудсман ва янги қонун тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратди.

Халқаро пресс-клубнинг 15 сентябрь кuni бўлиб ўтган сессияси "Бизнес омбудсман – тадбиркорлик ҳимояси ва вазифалар таҳлили" мавзусига бағишланди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Д.Қосимов, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси расисининг биринчи ўринбосари И.Жасимов, адлия вазири ўринбосари М.Истамов ва бошқалар мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини қучайтириш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг асосий аралашувининг олдини олиш, хусусий мулк дахлсизлигини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий тизимнинг барқарорлиги ва халқимиз фаровонлигининг муҳим омиллири. Мамлакатимизда хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга биринчи даражада масала сифатида қаралаётганининг замирида ушбу тармоқни тараққийлатиш ва фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчига айлантиришдек эзгу мақсад мўжасман.

Мамлакатимизда тадбиркорлар фаолиятига қўмақлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва бошқа ташкилотлар томонидан изчил ишлар олиб боришмоқда. Мамлакатимизда ташкил этилган бизнес омбудсман ушбу соҳада ваколатли орган бўлиб, тадбиркорларни ҳимоя қилиш бўйича судга дахли бўлмаган янги механизм ҳисобланади. Ушбу тизим фаолиятининг асосий йўналиши давлат органлари билан тадбиркорлик субъектлари ўртасида самарали мулоқот ўрнатишдан иборат. Яъни, тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш, тадбиркорлар фаолиятига давлат органлари асосий аралашувининг олдини олиш, хусусий мулк

дахлсизлигининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлашдир.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун Вакил давлат органлари тадбиркорлик соҳасидаги қонун ҳужжатлари оғишмай бажарилиши юзасидан тақдимномалар, судларга тадбиркорларнинг манфаатлари юзасидан даъво аризалари киритиш ваколатига эга.

Ўтган қисқа вақт давомида тадбиркорлар фаолиятида учраётган муаммоларни ўрганиш бўйича Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида қарийб 5 мингга яқин тадбиркор иштирокида юзма-юз мулоқотлар ўтказилган. Ушбу учрашувларда 50 дан ортиқ тадбиркорнинг муаммоси ҳал этилган. Вакил аппаратида келиб тушган 100 дан ортиқ мурожаат кўриб чиқиш жараёнида. Шу билан бирга давлат ва нодавлат ташкилотлари билан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, бизнес субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳамкорлик бўйича 21 меморандум лойиҳаси ишлаб чиқилди. Назорат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларида ноқонуний текширишлар ўтказилишининг олдини олиш мақсадида махсус буклетлар тайёрланиб, тарқатилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ижро этиш, бизнес вакиллари ва давлат органлари ўртасида самарали мулоқотни йўлга қўйиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, муҳитимизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилашда Савдо-саноат палатаси томонидан ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг жорий йил 19 июндаги "Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бунда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Сессияда Вакил институтининг тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари билан самарали ҳамкорлигини ривожлантириш йўналишида олиб борилаётган изчил ишлар хусусида ҳам сўз юритилди. Бизнес омбудсманнинг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ваколатлари ва вазифалари, уни амалга ошириш механизмлари ҳақида маълумот берилди.

Журналистлар ва тадбиркорларнинг мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби, банкдан кредит олиш, валюта айирбошлаш, бўш турган бинолардан фойдаланиш, замонавий технологиялар харид қилишга оид саволларига мутасаддилар жавоб қайтарди.

М.ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ҳузуридаги "Сиёсий таълим маркази" ҳамда партиянинг Чилонзор тумани кенгаши ҳамкорлигида ўқув-семинар ўтказилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 12 июлда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги "Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак" номли маърузасидан келиб чиққан ҳолда партия ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари олдида турган устувор вазифалар муҳокама этилди.

ЎзЛиДеП ва унинг ҳар бир фаоли бутун саяё-ҳаракати, билими ва салоҳияти билан партия фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, кенг миқёсдаги ислохотларнинг ташаббускори, янги ишларнинг фаол ижрочиси айланиши лозимлиги таъкидланди.

– Одамлар баландпарвоз гапларга эмас, балки амалий саяё-

ҳаракатларга ишонади, – дейди ЎЗА мухбирига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Р.Каримов. – Ҳар гал аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш чоғида бунга амин бўлаёلمиз. Танқидий фикрлардан тегишли ҳулоса чиқарган ҳолда мулоқотларимизни очиқ ва янгича руҳда ўтказишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Ёшлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, турли мафкуравий таҳдидлардан асраш, йигит-қизлар, айниқса, уларнинг уюшмаган қисми бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишга, ижодий тўғараклар, шунингдек, хорижий тилларни ўргатиш ўқув курсларига кенг жалб этиш каби масалалар юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ш.МАМАТУРОВА

ТЕЖАМКОР УСКУНАЛАР – ФАРОВОНЛИГИМИЗ ГАРОВИ

Фойдаланилаётган энергия ҳажми йилдан йилга ортиб бориши билан бир вақтда истеъмолчилар сони ҳам кўпаймоқда, янги корхона ва фирмалар ташкил этилмоқда, трансформаторли кичик станциялар таъмирланмоқда.

Ҳозирги вақтга келиб, республика бўйича 5 млн. га яқин электр энергия истеъмолчилари мавжуд бўлиб, уларнинг 4,5 млн. дан ортиғи бу аҳоли истеъмолчиларидир.

Тошкент шаҳрида электр энергиядан 595 мингдан ортиқ аҳоли ва 18 минг нафардан зиёд юридик шахс фойдаланмоқда.

Шунингдек, куз-қиш мавсумида электр тармоқлари бир маромда ишлашини таъминлаш борасида ҳам кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Кўпчилик қишининг совуқ кунларида электр мосламаларидан фойдаланади. Бу электр энергияси сарфини сезиларли даражада оширади. Илгари хонадонларимизда битта телевизор ва бир неча зарур маиший электр буюмлари ишлатилган бўлса, бугун бундай воситалар сони анча кўпайди. Бу пойтахтимизнинг энергия таъминоти тармоғини мунтазам ривожлантириш, электр узатиш линияларининг узатувчанлик қobiliятини қучайтириш ҳамда трансформаторли кичик станциялар қуриш талоқи этади.

Бугунги кунда пойтахтимизнинг барча туман электр тармоқлари ходимларининг кеча-кундуз навбатчилиги ташкил қилинган ва авария бригадалари доимий тайёр ҳолатда.

Электр энергиясига бўлган талабнинг ошиб бораётгани унинг сарф-харажатларини камайтириш ҳамда ундан тежамкорлик билан фойдаланиш ушбуларни қўллашнинг тақозоси эслоқда. Шунинг учун энергия тежайдиган ускуна ва мосламалардан фойдаланиш соҳадаги муҳим вазифалардан биридир. Бу истеъмол қилинаётган умумий энергия ҳажмини камайтирибгина қолмай, балки истеъмолчилар маблағини ҳам тежаш имконини беради.

Электр энергияси ҳақини ўз вақтида тўлаш энергия таъминоти тармоқларини реконструкция ва модернизация қилишнинг муҳим омилларидандир. Бу борада ҳукуматимиз томонидан бир қатор қарорлар, меъёрий ҳужжатлар ва қоидалар ишлаб чиқилмоқда.

Аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш минглаб одамлар меҳнати самарасидир. Ундан оқилона фойдаланиш орқали биз нафақат ўз бурчимизни бажарган, балки мамлакатимиз фаровонлигига ҳам ҳисса қўшган бўламиз.

Музаффар УСМАНОВ,
"Ўздавэнергоназорат"
инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими инспектори

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни

ЭНГ ЯХШИ ФАН ЎҚИТУВЧИЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Пойтахтимизда “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

2006 йилдан буён ўтказилиб келинаётган ушбу танловда иштирок этish истагини билдирган ўқитувчи ва мураббийларнинг сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Кўп йиллик иш тажрибасига эга педагоглар билан бирга ёш ўқитувчилар ҳам танловда қатнашиб, билим ва маҳоратини кўриқдан ўтказаетир.

Ўтган йиллар мобайнида танлов голиби бўлган ўқитувчилар ўз иш жойларида ҳудудий малака ошириш институтларининг тингловчилари ва фан ўқитувчилари учун очик дарслар ўтказмоқда. Уларнинг иш тажрибалир мамлакатимиз миқёсида оммалаштирилмоқда.

Жорий йилнинг 1-6 май кунлари кимё, физика, тарих, математика, информатика, рус тили ва адабиёти, миллий истиқлол гоёси, чет тили ўқитувчилари ўртасида “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” танловининг республика босқичи ўтказилиб, голиблар аниқланган эди. 13-15 сентябрда эса бошлангич таълим, она тили ва адабиёт, ўзбек тили, география, биология фанларидан танловнинг республика босқичида 68 нафар педагог ўз билим ва тажрибасини синовдан ўтказди.

Танлов жорий йилда янгича кўринишда – замонавий ахборот коммуникация технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда ташкил қилинди. Ўқитувчиларнинг тегишли фан бўйича касб билимини баҳолаш мақсадида танловнинг туман, шаҳар босқичларида онлайн тест синовлари ўтказилди. Унда 16 та фан бўйича 260 мингдан ортиқ ўқитувчи иштирок этди.

– Бу йилги танлов учун махсус электрон дастур тайёрланиб, тест жараёнларини ташкил этиш ва натижаларини умумлаштириш имконияти яратилди, – дейди ЎзА мухбирига Республика таълим маркази бўлим бошлиғи Ўғил Юсупова. – Бу танлов жараёнларининг очиқлигини таъминлаш билан бирга, уни марказлашган ҳолда бошқариб бориш, ўқитувчилар билим савиясини ҳудудлар ҳамда фанлар бўйича таҳлил қилиш имконини берди.

Танловнинг республика босқичида ўқитувчилар 4 шарт асосида баҳолашди. Биринчи шартда иштироки ўз фани бўйича 50 та тест саволига жавоб берди. Иккинчи шартда мутахассислиги ва услубига оид топшириқни ёзма бажарди. Учинчи шартда эса ўқитувчилар замонавий ахборот коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда дарс ишланмаси ва унинг тақдирини тайёрлади. Сўнгги шартда иштирокчилар маълум мавзу бўйича қуёра ташлаш йўли билан танланган синфда дарс машғулотни ўтказди.

Нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан иштирокчиларнинг билими, иш тажрибаси, ўқувчиларнинг кўнглига йўл топиш, уларни дарсга қизиқтириш қобилияти ҳолисона баҳоланди. Голиблар 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунида “Халқ таълими аълочиси” кўрақ-нишонини ва вазирликнинг қимматбаҳо совгалари билан тақдирланади.

Г.САТТОРОВА

Инсоният жаҳон тараққиётида ҳал қилувчи аҳамиятга молик шахслар ҳиссасини муносиб баҳолайди. Бинобарин, уларнинг сай-ҳаракатлари авлодлар ардоғида бўлиши мутлақо табиийдир. Шундай шахслардан бири мустақил Ўзбекистон Республикаси тарихида чуқур из қолдирган Биринчи Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримовдир.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР

ти раҳбари Ботир Убайдуллаев миллий меъморчилик аъёналарининг жорий этилиши ҳамда Юртбошимиз томонидан мамлакат ҳаётининг барча соҳаларидаги ислохотларнинг тарихий аҳамияти тўғрисида ҳамда Республика хайрия жамоат фондининг ташкил этилиши ва фаолияти ҳақида гапирди.

публика хайрия жамоат фондининг ташкил этилиши ва фаолияти ҳақида гапирди. “AGROBANK” АТБ ходимлари билан ишлаш департаменти бошлиғи F. Мавлонов мустақиллик йилларида миллий валютанинг

БАХТНИ ЧЕТДАН ИЗЛАМАНГ

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар инсон манфаатлари ҳамда юртимиз фаровонлигини оширишга қаратилмоқда. Оила жамиятнинг табиий ҳужайраси ва ижтимоий асосидир, шу боис у қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Шу сабабли, қонун ҳужжатларида оила давлат муҳофазасидалиги, унга ҳар томонлама моддий ва маънавий ёрдам бериб боришлик қайд этилган.

Оила деганимизда, асосан ота-она ва болалар, улар ўртасида бўладиган муносабатлар ҳамда ушбу масалалардан келиб чиқадиган муаммолар тушунилади, уларни тўғри ва адолатли ҳал қилишни келажакда оила пойдеворининг янада мустаҳкам бўлишига хизмат қилади. Шулардан келиб чиққан ҳолда, ота-оналар, қариндошлар, маҳалла фаоллари бўлажак болалар кўнглига оила қуришга ва бу кўламда келиб чиқадиган муаммоларни тўғри ҳал қилишга қодир ёки қодир эмаслиги, рўзгор юритишга тайёр ёки тайёр эмаслиги бораида батафсил тушунириш ишларини олиб боришмоқда. Мамлакатимизда давлат аҳамиятига эга бўлган ушбу масалага масъулият билан ёндашилмоқда. Шу билан биргаликда, баъзи ҳолларда бунга лоқайдлик билан қаралиши натижаида айрим оилалар ажрашиб кетмоқда.

Афсуски, эртани фақат моддий бойликда кўрайдиган айрим йилит-қизларимиз оилада вуҳудга келган вақтинчалик қийинчиликларни “бир зумда” ҳал қилиш мақсадида ҳориж давлатларида ишлаш учун кетишмоқда. Мусофир юрда уларни нималар кутаётганлигини, аниқ қандай ҳолатлар бўлишигини хаёлларига ҳам келтиришмайди, фақат қандай “иш”ни қилиб бўлсада, тезда бойиб кетса бўлди, уйда қолган оила аъзолари ва улар олдидagi мажбуриятларни ҳам унутиб юборишадди. Баъзан уйлаб қолсан, эй қондошларим, сизларга нима бўлди, кимларга ишонярсиз, кимларга суняясиз, ота-онангиз, болаларингиз аҳоли сизнинг кўр кўзаларингизни очиб юбормайдими, буларнинг барчаси нонқўрлик, ношукрлик ва бемеҳрлик эмасми? Оилада ўғил дунёга келса “наслимнинг давомчиси, вафот этсам, уйимнинг чирогини ёқиб турувчи инсон дунёга келди” деб оила аъзолари шодликлари ичла-

рига сўғмай бир-бирларини қутлаб, туғилган болага узок умр ва етти мучаси соғ бўлишини Яратган билан сўрашади. Ота-она бир умр меҳнат қилиб, фарзандининг орзу-хавасларини рўёбга чиқариш мақсадида янги уйлар қуриб, яхши хонадондан келин қилишни янги қилиб эл-юртга тўй қилиш тараддузини кўради.

Лекин баръақи йилит-қизларимизнинг енгил ҳаётини танлаб, ўзларининг манфаатларини устун қўйиб ҳориж давлатларига кетиб, ўз соғлиқларидан айрилиб ногирон бўлиб қолаётганлари ачинарли ҳолат.

Ҳозирги кунда одам савдоси жинояти бутун инсоният бошидаги мудҳиш таҳдидлардан бири бўлиб қолмоқда. Одамдан эксплуатация мақсадида фойдаланиш билан боғлиқ жиноятлар сонининг ошиб бориши эса охир-оқибатда, жамиятнинг демократик негизларига путур етказиб, унинг миллий хавфсизлигига ҳам таҳдид солиши мумкин.

Ватан равнақи йўлида ҳалол хизмат қилиш халқимизнинг, бинобарин, ҳар биримизнинг порлоқ келажимизни яратиш демакдир. Зеро, ота-боболаримиздан мерос қолган бу заминни севиш, ардоқлаш, халқнинг урф-одатлари, қадриятларини сақлаш, эл-юрт равнақи учун чин дилдан меҳнат қилиш, унинг яхши кунини ҳам, ёмон кунини ҳам мададкор бўлиб, ана шу фазилатни фарзандларимиз ҳаётига синдиришдан ортиқ бахт борми?

Бахтни четдан излаб, адашманг! Бахт ўз уйингизда, ўз юртингизда сизга мунғизар. Фақат уни асраш, эъзозлаш, оиламиз, фарзандларимиз, халқимиз билан бир-га ундан баҳраманд бўлиб яшашини керак.

Раъно КАРАБАЕВА,
2-сон “Шодлик” никоҳ уйи мудираси

Шиддат билан ўзгариб, тобора мураккаблашиб бораётган давр барчамизнинг, биринчи навбатда, йилит-қизларимизнинг олдига замонавий билим ва касб-хунарларни чуқур эгаллаш вазифасини қўймоқда. Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб ёш авлод таълим-тарбияси устувор вазифалар қаторидан ўрин олди.



Ислом Исҳоқов олган сурат

ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ БАРКАМОЛ АВЛОД

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2017 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарориди ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, уларни тадбиркорлик орқали жамиятда ўз ўринларига эга бўлишларига қўмаклашиш масаласи ўз ифодасини топган.

Бу эса Ўзбекистонда ёшлар сиёсати давлат сиёсати даражасида эканлигидан далолат беради.

Фармонда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида турли фанлар, шу жумладан, чет тилларни ўргатиш, компьютер дастурларини тузиш ва тадбиркорлик асосларини ўқитиш мақсадида ташкил этиладиган шўъба корхоналарини 2027 йил 1 августга қадар барча солиқлардан озод этиш тўғрисидаги тақлифларнинг маъқулланганлиги ёш тадбиркорларнинг иштиёқининг ортишига ва мазкур имтиёзлардан фойдаланиб, ўз бизнесларини йўлга қўйишларига сезиларли туртки бўлмоқда. Шу сабабдан, бугунги кунга келиб Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Тошкент шаҳар Кенгашига айнан шу йўналишдаги мурожаатлар ва тақлифлар сони кескин органини кузатиш мумкин. Шунингдек, Фармонда таълим муассасасини тамомлаганига уч йил бўлмаган, биринчи марта ишга қабул қилинган ёшларга даромад солигини биринчи йил

учун 50 фоиз, иккинчи ва учинчи йиллар учун эса 25 фоизга қамайтириш тўғрисидаги тақлифларнинг маъқулланганлиги битирувчилар ва ёш мутахассислар томонидан қизғин кутиб олинди.

Президентимизнинг “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорининг 36-42 бандлари ҳам айнан ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, битирувчи ёшлар бандлигини таъминлаш масаласига бағишланган бўлиб, узок вақтдан буён ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш учун хизмат қилиши қутилаётган лойиҳалар ўз аксини топган. Қарорнинг биргина 41-бандига асосан, тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ёшлар, айниқса касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолияти учун кредит олишида гаров таъминоти масаласини ҳал этиш мақсадида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ёшларни гаров таъминоти билан таъминлаш, ёшларнинг инновацион бизнес лойиҳаларига грантлар ажратиш, самарали бизнес лойиҳаларини кредитлаш мақсадида “Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази” қошида қафолатлаш жамғармаси фаолиятининг ташкил этилаётгани кенг жамоатчилик, айниқса аҳолининг ијтимоий ҳимояга муҳтож қатлами томонидан илиқ кутиб олинди.

Акмал ЖУМАОБОВ,
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи
Тошкент шаҳар Кенгаши раисининг
биринчи ўринбосари

жорий этилиши тарихий жараёнида, банк-кредит фаолиятини такомиллаштиришда Ислон Каримовнинг роли тўғрисидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

Давра суҳбатда музей ходимлари, олий ўқув юртлири талабалари ва магистрантлари иштирок этди.

Видеопаннода музейнинг барпо этилишида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг шахсий сай-ҳаракатлари ҳақида ҳикоя қилувчи видеоролик намойиш этилди.

Тадбир якунида меҳмонларга музейнинг кўргазма заллари бўйлаб экскурсия ташкил этилди.

Илҳомжон ЖАМОЛҲОЖИ,
ЎзФА Темурийлар тарихи
давлат музейининг
“Маънавий ва маърифат”
бўлими мудир

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ҚУЙДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ВАКАНТ (БЎШ) БЎЛГАН ДИРЕКТОРЛИК ЛАВОЗИМИГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
1	Яшнобод компьютер технологиялари касб-хунар коллежи	Яшнобод тумани, Оқдарё кўчаси, 122-уй
2	Тошкент иқтисодиёт коллежи	Юнусобод тумани, 19-мавзе, 37-уй
3	Тошкент архитектура-қурилиш касб-хунар коллежи	Миробод тумани, А.С.Банокатий, 17-уй
4	Мирзо Улугбек политехника касб-хунар коллежи	Мирзо Улугбек тумани, Гёте кўчаси, 54-уй
5	Тошкент қурилиш-коммунал касб-хунар коллежи	Ўчтепа тумани, Маннон Уйғур кўчаси, 485-уй

Малака талаблари: олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажини 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-хунар коллежининг соҳа йўналиши бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажини талаб этилади.

Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стажини талаб қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун қуйдаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- 1.Ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқарма бошлиғи номига ариза;
- 2.Сўровнома (справка-объективка);
- 3.Таржимаи ҳол;
- 4.Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;
- 5.3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
- 6.Паспорт (нусхаси);
- 7.Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
- 8.Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан қўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35

ФАҲРИЙ ХУНАРМАНДЛАР САМАРҚАНД ЗИЁРАТИДА

“Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!” шиори остида катта байрам тантаналари билан нишонланган Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг қутлуғ, азиз ва қадрли 26 йиллик шодиёналари шуқуҳи миллионлаб қалбаларда ҳамон акс-садо уйғотиб турган айни шу кезларда Ўзбекистон “Хунарманд” уюшмаси ажайиб, хайрли тадбир ташкилотчиси бўлди.

— Уюшмамизда ўзи танлаган касбига садоқат билан, фидойилик кўрсатиб келаётган қўли гул, қалби ҳам, хунари ҳам гўзал хунармандлар бисёр, — дейди Ўзбекистон “Хунарманд” уюшмасининг раиси Ақобир Ҳақимов. — Биз шундай усталаримизнинг ҳалол ва сидқидилдан қилаётган меҳнатларини ҳамиша ҳам моддий, ҳам маънавий томондан рағбатлантириб келмоқдамиз. Фикримизнинг исботи сифатида кўни кеча тошкентлик фидойи хунармандларимиздан бир гуруҳининг ҳамиша мафтункор, дунё сайёҳларини ўзининг қадимий меъморий обидалари билан мафтун этиб келаётган кўна ва навқирон Самарқанд шаҳрига зияратини ташкил этдик. Бу зиярат унинг ҳар бир иштирокчиси қалбига бир олам қувонч ва завқ-шавақ бағишлади.

Дарҳақиқат шундай! Фаҳрий хунармандларнинг 2750 йиллик Самарқанд шаҳрига ташрифи ҳар жиҳатдан мароқли ва завқли дамларга бой бўлди. Зиярат қатнашчилари давлатимиз мустақиллигининг асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов хотирасига чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатдилар, унинг руҳи-поқларига муқаддас Қуръон оятларидан тилловлар қилинди, шаҳарда Ислон Каримовга ўрнатилган ҳайкал пойида таъзим бажо айланди. Шундан сўнг фаҳрийлар шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини, меъморий обидаларини бир дунё завқ, ҳайрат билан томоша қилдилар.

— Ер юзининг сайқали деб таъриф берилган Самарқанд мен учун айниқса қадрли шаҳардир, — дейди тўлқинланиб махшур ганчкор, Ўзбекистон халқ устаси, Ўзбекистон “Хунарманд” уюшмаси Фаҳрийлар кенгаши раиси Асрор Мухторов. — Қамина бундан ўн йиллар муқаддам ўз шоғирларим билан Назрати Хизр маъмусини қайта таъмирлаш ишларида ва бошқа қатор иншоотларни сайқаллаштиришда иштирок этганимдан фахрланаман. Мана бугун Самарқанднинг истиқлол йилларида ўзгача чирой ва мафтункорлик касб этганилигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу қадимий шаҳарга зияратимиз кўнгилларимизга қувонч ва кўтаринкилик бахш этмоқда.

— Самарқанддаги дунёга махшур Шох Зинда мақбарасиди асрлардан бери осмонга буй қўзиб турган бири-биридан гўзал ва бетакор обидаларини қўриб аждодларимизнинг нақадар зуқо ва қўли гул инсонлар бўлганлигига яна бир бор иймон келтирдим, — дейди таникли кулол, Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадий академиясининг академиги Ақбар Раҳимов. — Шунинг алоҳида таъкидлаш керакики, мустақиллик йилларида биз хунармандларга беқийс имкониятлар ва имтиёзлар яратилганлигидан бошимиз осмонда, қалбларимиз илҳом оғушида. Қамина ҳам аждодларимизнинг хунармандлик санъати издоши бўлганлигидан фахрланаман. Биз бор маҳоратимизни ўзбек амалий санъатини бундан раивжолантиришга сарфлашда сойбатқадимиз.

Зиярат қатнашчилардан икки нафарининг айтган юқоридаги дил изҳорлари бошқа фаҳрийларнинг ҳам қалбидан бирма-бир ўтди. Уларнинг бундай ҳайратлари маҳобатли Регистон майдонига, буюк аждодимиз, улуг мунажжим Мирзо Улугбек қўриқган расадхонасига, Биҳоним мажмуасига борганимизда янада кўчиқор зоҳир бўлди. Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадий академиясининг академиги Саъдулла Абдуллаев, Ўзбекистон Республикаси Давлат муқофоти нишондорлигига Истиқлол байрамнинг 26 йиллиги арафасида мушарраф бўлган Шохалил Шойқубов, ганчкор уста Шухрат Аъзамқўжаев, тележурналист Мухаммаднорм Мавлонов ва бошқа зиярат қатнашчилари аждодларимиздан асрлардан бери сақланиб келинаётган меъморий обидаларнинг салобати ҳусусида, Самарқанд шаҳрида юз бераётган катта ўзгаришлар, истиқлолимиз берган беназир неъматлар ҳақида фаҳр ва ифтихор билан сўзладилар, Ўзбекистон деб атайилиш буюк юрда, қишларида баҳор шивирлайдиган, сал қўрмаса Қўёш ҳам соғинадиган Ватанда умргузаронлик қилиш бахтига мушарраф бўлганликларидан дилларидаги шукроналик туйғуларини тўлиб-тошиб изҳор этдилар.

Мухтасар қилиб айтганда, тошкентлик фаҳрий хунармандларнинг ҳамиша мафтункор Самарқанд шаҳрига қилган зияратлари қалбаларда бир умрга унутилмас таассуротлар қолдирди.

Солиҳ ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
қўрсатган маданият ходими

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“Respublika mulk markazi” МЧЖ бошлангич баҳоси босқичида-босқичи ошиб бориш тартибидеа ўтказилган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига 7531-ҳарбий қисмга тегишли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амроробод кўчаси, 1-уй манзилида сақланаётган қуйдаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда. 1. “Дамас” русумли, давлат рақами 01/023SCA бўлган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, техник иснос, бошлангич баҳоси — 14 837 000 сўм. 2. “Дамас” русумли, давлат рақами 01/094SCA бўлган 1999 йилда ишлаб чиқарилган, техник иснос, бошлангич баҳоси — 13 383 000 сўм. 3. “Опел Omega” русумли, давлат рақами 01/101SCA бўлган 2000 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, бошлангич баҳоси — 27 539 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 19 октябрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2017 йил 17 октябрь куни соат 18:00.


Савдо голиби деб топиладиган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотиб шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тулганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар автотранспорт воситалари билан мулк эгаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Талабгорлар мулкнинг умумий ҳолатини шахсан ўрганиб чиққан ҳолда савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закалат келишувига асосан, мулкнинг бошлангич баҳоси 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “RMM” МЧЖнинг АИТЕ “Ипак йўли банки” Сағбон филиалидаги қуйдаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р. 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамий кўчаси, 1А-уй. 228-79-52.

Гувоҳнома №001805.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси Нотариат, адвокат ва ФХДБ органлари бўлими бош маслаҳатчиси Наргиза Ахтамнова Тўрсунованинг ўқиси

Анвар Ахтамович ТўРСУНОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг яқин қариндошлари ва оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.



Спорт янгилликлари

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ
МУВАФФАҚИЯТЛИ
БОШЛАНДИ

Туркменистон пойтахти Ашхобод шаҳрида ўтказилаётган Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осий ўйинларининг дастлабки баҳсларида терма жамоамиз аъзолари 2 олтин, 3 кумуш ва 8 бронза медални қўлга киритди.

Туркман кураши бўйича ўтган баҳсларда 75 килограмм вазн тоифасида Илхомжон Машрабов финалда туркменистонлик Урозмамат Белмамедовни мағлубиятга учратди.

90 килограммгача бўлган полвонлар ўртасидаги беллашуларда Обидали Мавлонов финал баҳсида Овсозгелди Бердиевни йирик ҳисобда енгиб, терма жамоамиз ҳисобига навбатдаги олтин медални қўшиб қўйди.

Шунингдек, хотин-қизлар ўртасидаги беллашуларда терма жамоамиз аъзоларидан Шаҳзода Эргашева, Гулжуморой Дадабоева ҳамда Гулмира Исмаилова финалга қадар барча рақибларини мағлубиятга учратиб, ўз вази тоифаларида кумуш медалга сазовор бўлди.

Туркман кураши бўйича Исролжон Қўлдошев, Файзулла Уматов, Абдурашул Ҳабибуллаев, Шаҳрибиддин Сангилов, Элдор Неъматов, Манзурой Мўйидинова, Диларфуз Мамаджонова, жу-житсу бўйича Суҳроб Усмонов ўз вази тоифаларида бронза медални қўлга киритди.

Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осий ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси ҳозирча 13 медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринда бормоқда.

**Ж.ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА мухбири**

ГОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ҳар ой бошида футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лигасида тўп суриб, мухлисларни қувонтираётган футболчи ҳамда ажойиб ғалабаларга ҳисса қўшаётган мураббий номи эълон қилинади.

Август ойида энг яхши футболчи деб "Бунёкдор" жамоаси ярим ҳимоячиси Отабек Шукуров эътироф этилди. Чунки, миллий чемпионатимизнинг сўнгги турларида "Бунёкдор"нинг ҳужумкор ўйин намойиши этишига иқтидорли ёш чарм тўп устаси Отабек Шукуров муносиб ҳисса қўшди. Дарвоқе, у рақиб дарвозасини ишғол этишда ҳам жамоанинг фаол футболчиларидан бирига айланмоқда. Шу боисми,

"Бунёкдор" ҳозирда турнир жадвалида тўртинчи поғонага кўтарилиб олди.

Жорий йилги мавсумда ажойиб ғалабалари эвазига мухлислари кўнглини ҳушнуд этаётган "Бухоро" жамоаси айна пайтда иккинчи ўринда бормоқда. Албатта, жамоа муваффақиятларида бош мураббий Улугбек Бақоевнинг хизматлари катта. Шу боис ҳам август ойида Улугбек Бақоев энг яхши мураббий деб топилди.

"ПАХТАКОР"НИНГ САФАРДАГИ ҒАЛАБАСИ

Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида уюштирилган мамлакат XXVI миллий чемпионатининг 20-тур баҳслари мurosасиз беллашуларга бой кечди.

Жорий мавсумдан жиддий ислохотларга қўл урган "Пахтакор" сафарда "Металлург" жамоаси билан куч синашиб, 57-дақиқада М.Бикиев томонидан киритилган ягона гол эвазига 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Сафарда "Қизилқум" меҳмони бўлган "Бунёкдор" жамоаси мurosасиз кечган баҳсда 3:3 ҳисобидаги дуранг натижани қайд этди ва Тошкентга бир очко билан қайтди. Шу кунги мухлислар мезбонлардан — О.Зокиров, Ф.Қамбаров, А.Геворкян,

меҳмонлардан — В.Шодиев, Д.Ҳамдамов, Ш.Ғадоев томонидан дарвозаларга урилган голларга гувоҳ бўлишди.

Турнинг қолган учрашувлари қуйидагича якуллади: "Машъал" — "Навбахор" — 2:1, "Нефчи" — "Бухоро" — 1:2, "Динамо" — "Қўқон" — 1912 — 0:0, "Обод" — "Сўғдиёна" — 2:4, "Насаф" — "Олмалик" — 1:0.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

Қилмиш — қидирмиш

ЎЗГАНИНГ

ИШОНЧИГА КИРИБ...

Отабек ва Азиз аслида қариндош.

Халқимизда "ўзингдан чиққан балага қайга борасан давога" деган пурмаъно гап бор.

Отабек 2010 йилдан 2015 йил август ойига қадар "Ўрикзор" бозорига Азиздан кир ювиш воситалари ва болалар тағликлари олиб, устига устама ҳақини қўйиб сотиб келган. Азиз ва Отабек маҳсулотларини асосан вилоятлик миқозларига нақд пулга сотишарди.

2015 йил августиди И. Юсупов Отабекни уйига чақириб, бирга ишлашни таклиф этди. И. Юсупов Туркиядан товарни Отабекка жўнатар, Отабек эса савдони ўрнига қўйиб, пулларди. Ҳисоб-китобни отаси Абдуқодир ака билан қиларди.

Ҳар кун бозорга товар келар, Отабек уларни нақд ёки пул қўчириш йўли билан миқозларга пулларди. Бошида иш яхши кетди. Шундай бўлдики, Отабек сотилган товардан тушган пулларни Абдуқодир акага бермайдиган одат чиқарди.

2016 йил январь ойида Туркиядан жўнатилган товарлар миқдори ҳисоб-китоб қилинганида Отабек Абдуқодир акадан 86 минг 370 АҚШ доллари қарз бўлиб қолгани маълум бўлди. Қора бозор курсида ҳисобланганда бу — 554 млн. сўмни ташкил этарди.

Судда Отабекдан бу пулларни нима қилгани сўралганида, у ўша пайти ота-онадан алоҳида чиқиб, ижарада яшаб юргани учун ойига 350 АҚШ доллари тўлаганини, юриш-туриши, оиласини боқиб ҳам шу пуллардан ишлатганини тан олди. Сотибга улгурмаган 207 млн. сўмдан ортик маблағ товарларни қайтарди. 346 млн. сўмни ўз эҳтиёжига сарфлаб юборганини тан олди.

Отабекнинг бахтига қариндошлари аро кирди. 346 млн. сўм зарарини 2017 йил 20 январь кун суд ижрочилари Тошкент шаҳар Чилонзор тумани бўлимининг депозит ҳисоб рақамига ўтказиб беришди.

Отабек суддан қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини инобатга олиб, енгиллик беришни сўради.

Суд Қодиров Отабек Улуғбековични Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "а" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб тоғди ва унга шу модда билан иш ҳақининг 30 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.

Қилмиш — қидирмиш. Жиноятга қўл урдингми, албатта унинг жавобини берасан. Эртами-кечми қора қилмиш ошкор бўлади.

Бузоқнинг югургани сомонхонагача, деб шунга айтсалар керак-да.

**Дилшод РАЖАБОВ,
жиноят ишлари бўйича
Чилонзор тумани суди раиси**

Кўргазма

ЎЗБЕГИМ ДЎППИЛАРИ

Пойтахтимизнинг "Лайлак қўнди" маданий мерос биносиди Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллиги муносабати билан "Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!" шиори остида "Ўзбегим дўппилари" деб номланган кўргазма очилди.

Тадбирда дўппилар азалий анъана ва урф-одатларимизни ўзиди мукассам этган боқий мерос сифатида халқимиз томонидан қадрланиши ва асраб-авайлаб келинаётгани таъкидланди.

Ўзбек дўппилари ҳудудий жиҳатдан ўзига хосдир. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм дўппиларида гул ва япроқ, гўнча, доира шакллари туширишда ўхшашликлар бўлса-да, бироқ шаклан, мато ва ранг танланиши, тикилишига кўра бир-биридан фарқ қилади. Масалан, Шахрисабзнинг гилам дўпписи, Сурхондарёнинг пилла дўпписи ипак толадан тикилади. Тошкентда оммалашган дўппининг шобпуш турини чиг матодан қўлда ва тикув машинасида тикиш мумкин. Фаргона дўппилари эса энг қадимийлардан ҳисобланади. Чуст, Маргилон, Қўқон, Андижон дўппилари ҳам азалдан маълуму машҳур бўлган. Ироқи дўппи Шахрисабзда урф бўлган. Кейинчалик бу усулдаги дўппилар бошқа жойларда ҳам оммалашиб, ҳар бир

маҳаллий жойнинг ўзига хос безак усулида тикила бошланган.

— "Дўппи" сўзи уст, юқори деган маънони билдиради, — дейди Ўзбекистон Маданият ва санъат кўргазмаси илмий ходими Г.Файзуллаева. — У қадимда саллага ўхшаб ўраладиган гўмбаз шаклидаги теллак кўринишида бўлган. Кейинчалик шакли ўзгариб, пахта ёки ипак, атлас ёки бахмалда тилла ранг ипплар билан тикилган чўққили, конуссимон, думалоқ ёки тўртбурчак кўринишига келган. Дўппи тикиш санъати қўлдан қўлга, авлоддан авлодга, онадан қизига ўтиб, мерос бўлиб келмоқда.

Кўргазмада ўзбек дўппилари қаторида Иброҳим Валиқўжаев, Дилшод Назаров, Дилшод Эшматов, Шухрат Абдумаликов, Алишер Умрзоков каби таникли рангтасвирчи расомлар ижодий ишлари намойиш этилаётди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА

Мутахассис маслаҳати

ЎЗ ВАҚТИДА ДАВО ЧОРАЛАРИНИ КЎРИНГ

Қутуриш ўта хавфли юқумли касаллик бўлиб, у билан одамлар ва ҳайвонлар хасталанади. Қутуриш касаллигини қўзғатувчи вирус ҳисобланади. Вирус табиатда иссиқ қонли ҳайвонлар танасида яшайди.

Қутуриш касаллиги юққан ит ёки бошқа ҳайвонлар жуда ҳам жаддор ва қопагон бўлиб қолади.

Одамни бирор ҳайвон тишладими ёки унинг сўлаги тегдими, бу ҳол фақат жабрланган кишини эмас, балки унинг яқинларини, умуман, ҳаммани бу ҳайвон қутурмаганимкан, деган ташвишга солиб қўйиши керак.

Қутурган ҳайвон одамни тишлаганида ёки унинг сўлаги тирналган, шилланган, жароҳатланган терига, қўз, бурун, оғиз, томанқ шиллиқ қаватларига текканида вирус организмга ўтиши натижасида қутуриш касаллиги юқади. Вирус қон орқали инсоннинг бош миёсига етиб келиб қўпая бошлайди. Вируслар, сўлак безларида шу даражада қўпайиб кетадики, натижада сўлак билан ташқарига ажрала бошлайди ва бошқаларга юқади.

Вирус одам танасига киргандан то касаллик аломатлари бошлангунча 2 ҳафтадан 6-12 ойгача ва ундан кўпроқ вақт ўтиши мумкин. Яширин давр муддати нима учун ҳар хил бўлади? Бу бир неча сабабларга боғлиқ. Чунон-

чи, ҳайвонлар гавданинг юқори қисмларини (бош, бўйин, юз, кўкрак қафаси, қўл бармоқларини), яъни марказий нерв системаси (бош ва орқа миёна)га яқин жойларни тишласа, бу ердаги нерв ҳужайралари қанча кўп зарарланса ёки қанчалик кўп сўлак зарарланса, бир неча ердан қўлдан қўлга ва жараҳат чуқур бўлса, яширин давр шунчалик қисқа бўлади. Вирус одамнинг бош ва орқа миёсига кириб, оғир миёя яллиғланишига олиб келади, 100 фоиз ўлим билан тугайди.

Шунинг учун қутуриш касаллиги юққан одам, ҳайвон томонидан тан жароҳати етказилганда зудлик билан врачга мурожаат қилса, қутуришга қарши ўз вақтида эмланса, уни ўлимдан сақлаб қолиш мумкин.

Эмлаш қанчалик эрта бошланса, у шунчалик наф қилади. Эмлаш курси тўла-тўқис ва узлуксиз олиб берилиши керак, чунки эмлаш нотўғри ўтказилса, у бефойда бўлиб қолади. Эмлаш даврида тавсия қилинган режимни қатъий бажариш керак. Ҳар қандай спиртли ичимликни, хатто у

қучсиз бўлса ҳам, ичиш мумкин эмас, чунки спиртли ичимликлар организмнинг қутуриш вирусига бўлган қаршилигини бўшаштириб юборади.

Қутуриш касаллигининг олдини олиш чораларидан яна бири — дайди ит ва мушукларни тутишдир. Чунки, Тошкент вилояти ҳудудларидан ёввойи тулки, бўрилар қутуриш касаллигини табиий манбаларидан бўлиб, дайди ит ва мушуклар орқали хасталикни Тошкент шаҳридаги уй ҳайвонлигига қўтиришлари мумкин.

Уй ҳайвонларини қутуриш касаллигидан сақлаш учун "Ҳайвонларни сақлаш қоидалари"ни билиш ва унга риоя қилиш лозим. Итларни уйда боғлиқ ҳолда, кўчага чиққанда эса махсус ниқоб тақиб ва етаклаш учун арқон билан тутиш керак.

Энг муҳими, уй ҳайвонларини қутуришга қарши ҳар йили ўз вақтида эмлатиш керак.

**З.ШОМУҲАМЕДОВА,
Тошкент шаҳар ДСЭНМ
ЎХЮК бўлими эпидемиологи**

"101"

"ТИЛСИЗ ЁВ"
ТАШВИШ КЕЛТИРМАСИ

Куз-қиш мавсумида аҳолининг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишларига алоҳида эътибор қаратилади. Бу бежиз эмас, албатта.

Маълумки, қиш фаслида бошқа даврларга нисбатан фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжи ортади. Куз охирида, қиш фасли яқинлашиши билан хонадонлар, бошқа халқ ҳўжалиги масканларида иссиқликни қўчайтириш мақсадида турли хилдаги иситиш мосламаларидан фойдаланиш бошланади. Айрим фуқаролар ўз хонадонидидаги иситиш печларининг соғлигини текширмасдан, носоз ва қўлбола электр иситиш мосламаларидан фойдаланишлари, газ мосламаларидан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига зид равишда ишлатишлари оқибатида турли хил ёнғинлар келиб чиқади.

Ҳар бир фуқаро кундалик турмушда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилса турли офатларнинг олди олинган бўларди. Ҳа, тилсиз ёв бўлиши олов фасл, вақт, жой танламайди. Қўтилмаганда озгина эҳтиётсизлик, бепарволик оқибатида рўй беради.

Ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларига қатъий риоя қилсангиз давлат ва шахсий мулкнингиз, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

**Шавкат УСМАНОВ,
"Восток" ИИЧБ ДУК объектларни ёнғиндан муҳофаза қилувчи Ёнғин хавфсизлиги бўлини маси бошлиғи ўринбосари, капитан**

* * *

Инсон ҳаётига таҳдид солувчи офатлардан бири ёнғинлиги барчага аён. У қай тарзда юзага келишига қарамай, ўзининг мудҳиш изларини қолдириши табиий.

Ёнғин туфайли дунё бўйлаб йилига қанчадан-қанча кишилар бошланасиз қолади, соғлигини йўқотади, хатто ҳалок бўлиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Ишлаб чиқариш корхоналари ва турли ташкилот биноларида содир бўлган ёнғинлар кишиларнинг меҳнат фаолиятига зарар етказиб, шу орқали иқтисодиётга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Ана шундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун эса ҳар бириимиз бу офатга қарши ёҳуд унинг олдини олиш учун фаол кураш олиб боришимиз зарур. Корхона ва ташкилот биноларида, шунингдек, аҳоли турар жойларида оддийгина ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш жуда муҳим. Қоидаларга амал қилиш орқали биз жуда катта йўқотишларнинг олдини олган бўламиз.

**Комилжон АЗИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ёнғин хавфсизлиги бўлини маси инспектори, сержант**

* * *

Аҳолининг узоғини яқин қилувчи транспортлар ҳамда метрополитендан фойдаланаётганда шахсий хавфсизлик қоидалари билан бирга белгиланган тартиблардан тўғри фойдаланишга эътибор бериш жоиз.

Метрополитендан фойдаланувчи аҳоли ундан фойдаланиш қоидаларини билиши ва уларга қатъий риоя қилмоғи лозим. Тошкент метрополитени унитар корхонасини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ёнғин хавфсизлиги бўлини маси ҳамда метрополитеннинг ҳарбийлаштирилган ёнғиндан сақлаш бўлини маси ходимлари жорий йил бошидан бекатларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида текширувлар ўтказиб келмоқда. Текширувлар давомида хизматчи-ходимлар билан ёнғин хавфсизлигига оид сўхбатлар ташкил этилмоқда. Ёнғин хавфсизлиги бўлини маси ходимлари томонидан текширувлар давомида аниқланган камчиликлар бўйича объект раҳбарларига Давлат ёнғин назоратининг ёзма кўрсатмалари тақдим этилмоқда. Тошкент метрополитенининг барча бекатларида ўрнатилган монитор ТВ кабеллар орқали ёнғин хавфсизлиги мавзусида видеороликлар орқали тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб боришмоқда.

Шу билан бирга барча бекатларда ТЭХБ ходимлари ва метро бекати ишчи-хизматчилари ҳамкорлигида ёнғин ўчириш амалий тактик машғулотлари ўтказилмоқда. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, Тошкент метрополитени унитар корхонасида фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бекатлардаги мавжуд бўлган ёнғиндан автоматик равишда хабар бериш мосламалари янгилашмоқда ҳамда ёнғин ўчириш бурчаклари ташкил этилган ва фавқулдда ҳолларда одамларни қутқариш чоралари қўрилган.

**Жасур АБДУРАИМОВ,
Тошкент метрополитени УНКНГ Ёнғиндан муҳофаза қилувчи Ёнғин хавфсизлиги бўлини маси инспектори**

	ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ	ҳаси — 13-15, қуядузи — 30-32 даража иссиқ бўлади.
	Тошкент шаҳрида 20 сентябрь кунини ҳаво вақти-вақти билан ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат ке-	сентябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.